Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 6-iyun, payshanba № 68 (3261)

Соғлом авлод – соғлом келажак

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилди.

Оромгоҳлар чорлайди

Болаларни соғломлаштириш ва уларнинг маданий дам олишини мазмунли ташкил қилиш мақсадида шаҳардан ташқари оромгоҳлар ва соғломлаштириш масканлари жорий таъмирдан чиқарилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Кундузги оромгоҳлар фаолиятини юксак савияда ташкил этиш чоралари кўрилди.

— Бу йилги мавсумда кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Соғиндиқ Ниетуллаев. — Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ўқувчилардан 90 нафари бирлашмамиз тасарруфидаги «Лочин» болалар дам олиш марказида, 120 нафари эса мамлакатимиздаги турли оромгоҳларда бепул ҳордиқ чиқаради.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбиясига кўрсатилаётган катта эътибор туфайли жорий йилда қорақалпоғистонлик 3 минг нафар ўғил-қиз Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларидаги сўлим оромгоҳларда дам олиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлайди.

Шунингдек, «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳига юз нафар ўқувчи жалб этилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ташаббуси билан ташкил этиладиган «Ҳарбий спорт» оромгоҳида юз нафар болани дам олдириш режалаштирилган.

Мавсум давомида оромгоҳларда ўтказиладиган тадбирлар режасига кўра, болалар учун музейлар, истироҳат боғлари, спорт иншоотларига саёҳатлар уюштирилади. Қорақалпоғистон Республикаси ёш томошабинлар ҳамда Қўғирчоқ театрларининг ижодий жамоалари томонидан қизиқарли дастурлар намойиш этилади. «Ёзни «Камолот» билан ўтказ» дастурига кўра, оромгоҳларда «Камалак» кунлари ташкил этилиб, турли тадбирлар уюштириш мўлжалланмоқда. Танловлар ва спорт марафонлари, ашула, расм чизиш, рақс тўгаракларидаги машғулотлар ўқувчиларнинг мароқли дам олишига хизмат қилади.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири





«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Yangi avlod forumi» болалар ижодиёти маркази томонидан «City Makon» маданий-маърифий кўнгилочар марказида болалар учун маърифий тадбир уюштирилди. Унга серфарзанд ҳамда кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизлари таклиф этилди.

Маърифий тадбир

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни жисмонан ва маънан соғлом инсонлар этиб тарбиялашга, таълимдан ташқари бўш вақтини тўғри ва унумли ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани таъкидланди. Бу жараёнда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан қатор лойиҳалар ва ижтимоий акциялар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

— Марказимиз қошидаги тасвирий санъат, хореография, миллий чолғулар, театр, компьютер технологиялари, инглиз тили каби ўндан ортиқ тўгаракка минг нафарга яқин бола аъзо, — дейди «Yangi avlod forumi» болалар ижодиёти маркази директори Мақсуда Раҳматуллаева. — Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида махсус режа асосида турли маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар, ижтимоий акциялар ўтказиш кўзда тутилган. Бу эса болаларнинг вақти мазмунли, қизиқарли ва фойдали ўтишида муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда дизайнерлик, рассомлик, асфальтга расм чизиш бўйича танловлар ўтказилиб, болалар бадиий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди. Болаларга совғалар топширилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Суратларда: тадбирдан лавҳа.
Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган суратлар



Кўнгилочар аттракционлар

Шу кунларда Навоий шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи янада гавжумлашмоқда. 22 гектар майдонга эга мазкур сўлим маскандаги суньий кўл, аквапаркда мириқиб ҳордиқ чиқариш учун барча шарт-шароит яратилган. Кўплаб кўнгилочар аттракционлар болалар хизматида. Яқинда бу ерда автодром ҳам ишга туширилди.

Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат

«ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИГА

Ҳаётда ҳақсизликларга ён бермайдиган, атрофдагиларга фақат яхшилик ва эзгулик улашиб яшайдиган кишилар кўплаб топилади. Ушбу ҳикояда сиз ана шундай фидойи етакчилардан бири билан танишасиз. Мажлислар залида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши давом этарди. Гап айланиб бошланғич ташкилотлар фаолиятига тақалди.

Эл одами

Маърузачи гапини тугатган чоғда залда ўтирганлар орасидан бир аёл қўл кўтарди.

— Мен «Навоий пахтасаноат» ҳудудий бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Истат Каримова бўламан. Энг асосийси, эркин ва муҳофазаланган меҳнат шароитини яратиб олишга эришдик. Бу борада ўқув-семинарда тарқатилган «Намунавий бошланғич ташкилот» талаб ва тавсияларини асос қилиб олганмиз.

Кунларнинг бирида йўлимиз ўша корхона томон тушди.

Опа «Агробанк»дан ҳали замон қайтиб қолишини эшитгач, тайёрлов бўлими ходимлари хонасида бўлим мудирлари Акмал Муродов, Абдуғаффор Мансуров билан бироз суҳбат қурдик. Мавзу касаба уюшмалари тизими ҳақида кетганда Акмалжон мамнун қиёфада қуйидаги фикрларни баён қилди:

— Рости, ака, ҳаётда ҳеч бунақасини кўрмаганман. Аввалги йили бирлашмамиз касаба уюшма қўмитасининг янги раисини сайлаш масаласи муҳокама қилинганди. Ошкора тарзда 17 кишининг номзоди тавсия қилинди. Бу, 52 нафар аъзоси бўлган жамоанинг 33 фоизи дегани эди. Лекин адолатли ёндашувлар асосида ушбу вазифага Каримованинг номзоди маъқул топилди. Тадбир охирида сўз берилганда, Истатхон опанинг кўзлари жиққа ёшга тўлганини эслайман. Ўшандан буён ишончимизни бекам-кўст оқлаб келаяпти.

Ҳали бироз вақт бор эди. Бирлашма ҳовлисига тушиб, ораста гулзор ва равон йўлаклар оша давом этган чорбоғни томоша қилдик. Боғбон Асқар Қодиров майсазордаги ўсиқ ўтларни юргизиладиган махсус мослама кўмагида ўраётган экан. Салом-алик қилгач, оддий ишчининг касаба уюшмалари мақоми хусусидаги фикри билан қизиқдик.

— Мана, кўриб турибсиз. Боғбоннинг топиш-тутиши от билан туя эмас, — дея юзига табассум югурди суҳбатдошимизнинг. — Аммо жамоадошларимиз орасида бебаҳо меҳр-муҳаббат бор. Сизга айтсам, тўй бериб, элнинг олдидан ўтишим керак эди. Раҳбарнинг ҳузурига киришга юрагим дов бермади. Шунинг учун моддий қўллаб-қувватлашлари учун ариза ёзиб, касаба уюшма қўмитаси раисига учрадим. Орадан икки кун ўтгач, Истатхоннинг ўзи йўқлаб ёнимга келди ва «Ташвишланманг, тўй, албатта, бўлади», деб кўнглимни кўтарди. Ўша куниёқ ҳужжатларга қўл қўйиб, ҳам ҳудудий бирлашма, ҳам касаба уюшмаси томонидан энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида ёрдам пулларини олдим. Тўйга жамоамиз телевизор ва сарполар билан кириб борди.

(Давоми 4-саҳифада).

XXI АСР ЁШЛАРИ

Отасига машина миндирган ўғил

Жамшид Худоёров Узун туманининг чекка бир қишлоғида ўсиб-улғайди. Уйи ҳам Боботоғ этакларига туташ адирликлар ён бағрида. Мактабда фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирувчи тиришқоқ бола қир-адирларда қўй боқиб юрганда ҳам қўлидан китоб тушмас эди.

Бошланғич синфларда Жамшидда, айниқса, математикага кучли қизиқиш уйғонди. Ҳавас ва интилиш уни туман марказидаги ихтисослаштирилган махсус мактабга етаклади. Турсунали Хидиров раҳбарлик қиладиган педагогик жамоа қобилиятли боланинг математика сирларини янада пухта ўзлаштириши, иқтидори руёбга чиқишига ҳар томонлама кўмаклашди. Жамшид мактаблар ўртасида, туман ва вилоят миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадалари, билимлар беллашуви, викториналар, турли танловларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади. Устозлари ҳурматини қозонди, бир неча марта мактаб маъмурияти томонидан билдирилган ташаккурномаларни ота-онасига элтиб, уларнинг кўнглини тоғдай кўтарди.

Ж.Худоёровнинг иқтидори Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг математика-информатика факултетида таҳсил олаётган чоғида янада ёрқин намоён бўлди. 2009-2010 ва 2010-2011 ўқув йилларида у Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиати бўлди.

Университетни имтиёзли диплом билан битиргач, пойтахтдаги нуфузли идоралардан бирида иш бошлади. Ўз касбини севган ёш мутахассис математика-информатикага қизиқишини бир зум ҳам сусайтирмади. Шу йилнинг бошида Боку шаҳрида Англия дипломатик идораси томонидан эълон қилинган компьютерларни янгича дастурлаш танловида иштирок этиб, 1-ўринни эгаллади.

— Илмли фарзанд ота-онанинг ҳам, юртнинг ҳам фахри, — дейди Жамшиднинг отаси, моҳир педагог Абдумўмин Худоёров. — Ўғлимиз ўша танловда ғолиб бўлганлиги учун 15 минг АҚШ доллари миқдорида мукофотга сазовор бўлибди. Уйга келиб: «Отажон, шу пайтгача мени ўқитаман деб, онам иккингиз тузукроқ кийинмадингиз, қишлоқдан нарига чиқмай, бирор санаторий-курортга бориб дам ҳам олмадиларингиз. Шу пулга машина сотиб олиб мининглар», — дейди денг. Хотиним билан менинг қувончимиздан кўзимиздан ёш чиқиб кетди. Мана, дуои жонини қилиб, янги «Нексия» русумли автомашинани миниб юрибмиз. Ўзи эса Англиядаги таълим даргоҳларидан бирида ҳам ишлаб, ҳам магистратурада таҳсилини давом эттираяпти...

Ҳа, ҳар бир инсонга шундай бахт насиб этсин.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Янгиликлар оқимидан

СИРДАРЁ

Сирдарё вилоятида 4379 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Анъанавий пахтачилик, ғаллачилик билан бир қаторда чорвачилик, сабзавотчилик, полизчилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ.

РЕЖАЛАР КАТТА

Сирдарё туманидаги «Йўлчибой ота» фермер хўжалиги ана шулардан бири. Унга ишбилармон инсон Муҳаммаджон Хўжаев етакчилик қилади. Хўжалик аҳли ҳар йили қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиб келади. Бу ерда, шунингдек, 50 бош қорамол парваришланмоқда. 1,5 гектар майдонда эса иссиқхона бунёд этилган бўлиб, у қишин-ёзин туман аҳлини сархил неъматлар билан таъминлаётир. Иссиқхона хўжаликка ҳар йили 100 млн. сўмдан зиёд даромад келтирмоқда. Бу ерда 50 нафар маҳаллий ёшлар фаолият кўрсатади. Хўжалик ҳудудидаги бўш ётган 40 сотих майдон бугун — боғ. М. Хўжаев эндиликда фойдаланмай ётган 2 гектар майдон ўрнида суньий кўл барпо этиб, балиқчилик хўжалигига тамал тоши қўйиш тадоригида. Агар бу лойиҳа амалга ошса, ҳар йили эл дастурхонига 20 тонна лукмаи ҳалол етказиб берилади. Муҳими, яна 5 нафар қишлоқ ёшлари ишли бўлади.

Анорбой НОРҚУЛОВ

ЖИЗЗАХ

Жиззахда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар сони ортиб бориши натижасида мингдан зиёд касаначига меҳнат дафтарчаси юритила бошлади. Аҳамиятлиси шундаки, унинг 65 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

15 МИНГ КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Пахтакор туманида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 50 та корхона 200 та иш ўрни билан қатнашди.

— Ўтган беш ойда меҳнат ярмаркалари орқали 800 кишини ишга йўлладик, — дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази масъул ходими А. Холмуродов. — Бундай тадбирлар йил давомида мунтазам ўтказилиши режалаштирилган.

Вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида 280 та корхона мингта иш ўрни билан қатнашиб, юзлаб кишилар ишли бўлишди. Айниқса, касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари, шунингдек, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Туман ер-мулк кадастр хизмати бўлимида амалиёт ўтадим ва бу ерда ишга таклиф этишганидан мамнунман. — дейди касб-ҳунар коллежи битирувчиси Фарҳод Жўрабоев.

Йил бошидан буён вилоятда 15 мингта янги иш ўрни яратилиб, уларга асосан ёшлар ва хотин-қизлар жалб этилди.

Абдуманноп АЗИМОВ

ФАРҒОНА

Марғилонга ташриф буюрсангиз, беқиёс ўзгаришлардан ҳайратланасиз. Шаҳарнинг Марғилон темирйўл шоҳбекати, «Мустақиллик», «Бурҳониддин Марғиноний», «Туркистон» кўчалари, Ёшлар хиёбони кўрки ҳар қандай меҳмоннинг диққатини ўзига тортади.

ЎЗГАРИШЛАР БЕҚИЁС

Сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган «Оршах ев текстил», «Нарм текс», «Нурли тонг силк», «Тексожен» каби ўнлаб корхоналар, уларда меҳнат қилаётган ёшларни кўрган кишининг ҳаваси ортади.

Айниқса, кўчаларни кенгайтириш, янги замонавий кўп қаватли уй-жойлар, савдо мажмуалари, ижтимоий-иқтисодий иншоотлар барпо этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Шаҳардаги 54 та маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда йўлак, хиёбон, боғ ва тарихий ёдгорликларни тартибга солиш ишлари давом эттирилаётир.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Ishonch
2013-yil 6-iyun № 68 (3261)



«Садо чеҳра» чеварлари

Сурхондарё вилоятида аёлларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш ишларининг изчил олиб борилаётгани, қишлоқ жойларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Узун туманида иш бошлаган «Садо чеҳра» тикувчилик корхонасида ўн нафар чевар хотин-қиз доимий даромад топиш имкониятига эга бўлди. Хусусий тадбиркор Назокат Тўраева Халқ банкининг молиявий ёрдамида ташкил этган ушбу кичик корхонада бежирим ва сифатли кийим-кечак ишлаб чиқарилмоқда.

Суратда: тукувчи Н.Тўраева.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат

НАМУНАЛИ ТУМАН КЕНГАШЛАРИДА

Китобликлар ибрати

Ўтган йил март ойидан республикамиз вилоятларида биттадан туманда касаба уюшма ташкилотларининг фаолиятини Устав асосида намунали йўлга қўйилиши юзасидан амалий ишлар бошланган эди. Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани ҳам ана шундай масъулиятли вазифалар юкланган туманлардан ҳисобланади.

Ҳозирда туманда 4 та тармоқ туман кенгашлари ва 191 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар орқали 32816 нафар аъзонинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимояга олинган.

Туманда касаба уюшмалари ишини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган бўлиб, Кенгаш ва Китоб туман ҳокимлиги ўртасида «Туман касаба уюшма ташкилотлари ишининг самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарор қабул қилинган. Унга асосан тумандаги барча корхона ва ташкилот раҳбарларига касаба уюшма қўмитаси фаолияти учун шароитни янада яхшилаш бўйича тавсиялар берилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Китоб туманида 2012 йилда касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар дастури»нинг тасдиқланган мазкур тумандаги меҳнаткашлар ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатининг янада кучли ҳимояланишида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Дастур ижроси доирасида барча бошланғич ташкилотларни меъёрий ҳужжат ва услубий қўлланмалар билан таъминлаш, электрон ҳужжат айланишини йўлга қўйиш, меҳнат қонунчилигига риоя этилишини ўрганиш, жамоа шартномалари бажарилишини таъминлаш, туман кенгашлари жойлашган хоналарни жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳамда касаба уюшмаларининг устувор йўналишларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалда татбиқ этиш юзасидан жойларда тизимли ишлар олиб борилди.

Хусусан, Федерация Кенгаши томонидан Агросаноат ходимлари Китоб туман кенгашига компьютер жамланмаси олиб берилди. Туман кенгаши жойлашган хоналар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, жиҳозланди. Ҳудудий фермер хўжаликлари бирлашган касаба уюшма қўмиталари тузилмаси тўлиқ такомиллаштирилди. Айни пайтга қадар мавжуд 12 та ҳудудий фермер хўжаликлари бирлашган касаба уюшма қўмиталарига иш хоналари ажратилди. Улар жиҳозланиб, меъёрий ҳужжат ва стендлар билан таъминланди.





Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Китоб туман кенгаши томонидан 135 та бошланғич ташкилотдан 113 тасига алоҳида хоналар ажратилиб, улар фаолияти Устав асосида намунали ташкил этилган. Мазкур таълим муассасалари маъмурият томонидан компьютер билан таъминланган. Тумандаги 22 та бошланғич ташкилотда эса касаба уюшма бурчаги ташкил қилиниб, Устав фаолияти доирасида иш юритиши учун барча шароит яратилган.

Касаба уюшмалари фаолияти намунавий йўлга қўйилиши билан бир қаторда аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоялашга, ходимлар ва уларнинг фарзандини соғломлаштиришга ҳам катта аҳамият қаратиб келинмоқда.

Жумладан, ўтган йилда 105 нафар кам таъминланган ходимга 5,3 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 202 нафар ходим учун республикамиздаги тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилди. Кам таъминланган 120 нафар оила фарзандларига 4,8 млн. сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди. Амалиёт ўтаган 30 нафар коллеж ўқувчисига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи баробарида моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг январ-апрел ойларида меҳнат қилаётган 25 нафар киши, шундан 14 нафари ижтимоий суғурта маблағидан, 11 нафари 10 фоизли маблағлар ҳисобидан соғломлаштирилди.

Яқинда туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини намунали ташкил қилишда амалий ёрдам кўрсатиш, фаолият самарадорлигини ошириш, касаба уюшмалари олдида турган вазифа ва истиқболли режаларни белгилаш ҳамда ўзаро тажриба алмашишини ташкил этиш мақсадида амалий ўқув-семинари ўтказилди.

Семинарда иштирокчилар фаолияти намунавий ташкил этилган бошланғич ташкилотлар иши билан яқиндан танишдилар. Жумладан, 5-умумтаълим мактаби ҳамда «Китоб темир-бетон буюмлари» МЧЖ касаба уюшма ташкилотларининг тажрибаси кўпчиликка манзур бўлди. Тадбир давомида йиғилиш ҳам ўтказилиб, унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойидан сўнг касаба уюшмалари ҳаётида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси ва касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида Бош келишув имзоланган тизимдаги қатор муаммоларнинг ҳал этилишига жиддий туртки бўлди.

Ўтган қисқа даврда касаба уюшмаларининг жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш, унинг обрў-эътиборини кўтариш юзасидан қатор ташкилий ишлар амалга оширилди. Юқоридан то қуйи бўғингача ижтимоий шерикликни ривожлантириш, тармоқ ҳамда минтақавий келишувларнинг таъсирчанлигини ошириш, тўлақонлилигини таъминлаш асосий иш мезонига айланди.

Биргина мисол, жорий йилнинг 15 февралидан бошлаб амалда йиғилган аъзолик бадалларининг 60 фоизигача, балансида йирик ижтимоий объектлари бўлган корхона, ташкилотларнинг бошланғич касаба уюшма қўмиталарида эса 70 фоизгача қолдирилиши натижасида жорий йилда вилоят бўйича 2000 нафарга яқин меҳнаткашларнинг қўшимча имтиёзли соғломлаштирилишига имкон беради. Маданият саройлари, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга эътибор янада кучаймоқда.

Семинарда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири М.Исаев ҳамда бирлашма кенгашининг бўлим мудирлари касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини Устав талаби асосида йўлга қўйиш ва бу борада касаба уюшмалари туман кенгашлари ва бошланғичларнинг вазифалари ҳамда фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида маърузалар қилишди. Шунингдек, Китоб тумани ҳокими У.Худойқулов, касаба уюшмалари ишини мувофиқлаштирувчи туман кенгаши раиси П.Жуманазаров, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси М.Қўнишев, тумандаги 5- ва 29-умумтаълим мактаблари касаба уюшма қўмиталари раислари Ф.Ғаффорова ва С.Кенжаев, «Китоб темир-бетон буюмлари» МЧЖ касаба уюшма қўмитаси раиси С.Рамазонов кўрилган масалага оид фикр-мулоҳазалари тингланди

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — БОЛАЛАРГА

Ҳиммат

Бу йил Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўтказиладиган тадбирларга Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўзига хос йўл танлади.

Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйига 300 минг сўм, Бухоро «Мурувват» ногирон болалар интернат уйи ҳисоб рақамига 700 минг сўм маблағ ўтказиб берди. Ушбу маблағ эвазига болалар учун керакли буюмлар харид қилиш мутасаддилар ихтиёрига ҳавола қилинди.

Шунингдек, акция доирасида ёз ойларида болаларни интеллектуал ривожлантириш, тарбия ва спорт-соғломлаштириш, меҳнат ва дам олдириш оромгоҳларини ташкил этиш, ишчи-ходимларнинг фарзандларини корхона, ташкилот, муассасалардаги жамоа шартномалари ҳамда келишувлари орқали бепул соғломлаштириш каби муҳим чоралар ҳам кўзда тутилган.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Болаларнинг беғубор орзулардан бахтиёр бўлиши кўпроқ биз катталарга боғлиқ. Зеро, болалигида кўп яхшилик кўрганлар, албатта, эзгуликка интилувчан инсонлар бўлиб вояга етади.

Қувонч улашилди

Поп туманидаги барча тармоқ касаба уюшмалари ҳамкорликда шундай эзгу ишга қўл уришди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган 20 нафар ҳамда 10 нафар чин етим болажоннинг кўнглига қувонч улашилди. Туман маданият ва истироҳат боғида жойлашган «Шаршара» кафесида улар учун қувноқ тадбир ташкиллаштирилиб, ҳар бир ширинтойга байрам совғалари улашилди. Тадбирда Таълим, фан ва маданият ходимлари, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари, Соғлиқни сақлаш ходимлари ва бошқа тармоқ касаба уюшмалари туман кенгашлари фаоллари иштирок этишди. Қувноқ куй-қўшиқлар акция тадбирига файз киритди.

Ғуломжон АЛИМОВ,
Поп тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш юзасидан Марҳамат туман бўлимига қарашли 10-умумтаълим мактаби ва 22-мактабгача таълим муассасасида ўқув-семинар ташкил этилди.

Билимлари ошди

Унда тумандаги барча ташкилот, корхона ва муассасаларнинг касаба уюшма қўмита раислари ва мактаб директорлари қатнашдилар.

Тадбирда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилояти буйича масъул ташкилотчиси Эркин Каримов бошланғич ташкилотлар фаолиятини намунали ташкил этиш, аъзоларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш каби масалалар бўйича маъруза қилди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Абдураҳим БОЗОРБОЕВ,
Марҳамат тумани

ТУРИЗМ

Муаллимлар сафари

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг «Обод турмуш йили» дастури ижросини таъминлаш юзасидан Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарбдор туман кенгаши илғор педагоглардан олтмиш нафарининг Самарқанд бўйлаб саёҳатини уюштирди.

Улар Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи, Амир Темур, Имом ал-Мотуридий, Шоҳи-Зинда, Дониёл ота мақбараларини, Регистон майдони, Улуғбек мадрасаси каби диққатга сазовор тарихий жойларни катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Шунингдек, тармоқ касаба уюшмалари туман кенгаши бир нечта умумтаълим мактабларининг 260 дан зиёд юқори синф ўқувчилари ҳамда педагог ходимларини Самарқанднинг тарихий обидалари билан бирга истиқлол йилларида бунёд этилган иншоотлар бўйлаб саёҳатини ташкил этди.

Бердиали АБДУАЛИЕВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарбдор туман кенгаши раиси

ЖАРАЁН

Иқтисодий тараққиёт энергетика тизими ривожи билан бевосита боғлиқ бўлиб, айни вақтда ички ёнув двигателлари, энергия яратувчи станциялар — органик яхлит энергия ҳосил қила борган сари экологик муаммолар бирин-сирин келиб чиқаверади. Улар туфайли озон қатламига зарар етказилаётгани тўғрисидаги шов-шувли маълумотлар кўпайиб бораётгани ҳам бежиз эмас.

Муқобил обод турмушнинг

Дунё аҳолисининг йил сайин ўсиб бориши натижасида энергияга бўлган талаб ортиб, замонавий электротизимлар таъминлаб бера олмайдиган даражага бориб етмоқда. Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, Ер юзидаги нефт 40-45 йилга, табиий газ 70-75 йилга, кўмир эса 165-170 йилга етиши мумкин.

Энергия манбаларининг «таги кўриниб» қолганлиги олимлар ва мутахассисларни жиддий бош қотиришга мажбур этмоқда. Ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда Қуёш энергиясини бошқа энергияга айлантиришнинг янги усулларини яратиш устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада америкалик олим М.Келвиннинг тадқиқотлари диққатга сазовор бўлиб, у яшил ўсимликларда кечадиган фотосинтез жараёнларни ўрганиш хусусида олиб борган тадқиқотлари учун Нобел мукофотига лойиқ топилди. Олим хлорофилл ўсимликларнинг барги ҳамда бошқа аъзоларини бўёвчи яшил модда ёруқлик таъсирида ярим ўтказгичларга (хлорофилл билан алоқадор бўлган) электрон энергия бериш имкониятига эга эканлигини аниқлади. У рух оксидидан ярим ўтказгич сифатида фойдаланиб, хлорофилл фотоэлементини, яъни ёруғликнинг ўзгариши натижасида ўзининг электрон хусусиятларини ўзгартирувчи асбоб яратди. Ҳисоб-китоблар жуда умидбахш, яъни 10 квадрат метр майдондаги фотоэлемент бир киловаттга яқин қувват ҳосил қилиши мумкин. Бундай яшил фотоэлементлар кремнийли Қуёш батареяларига қараганда 100 карра арзонга тушади.

Ёқилғи ишлаб чиқаришнинг яна бир усули яратилди. Олимларнинг Бразилия чангалзорларида олиб борган икки йиллик (XX асрнинг охирларида) изланишларидан сўнг, чирмовиқнинг бир тури бўлмиш линанинг ўзидан сутранг суюқлик ажратадиган салкам 700 хили топилди. Мураккаб бўлмаган қайта ишлаш жараёнига кўра, бу суюқликдан бир неча хил ёқилғи-дизел двигателида ишлатиладиган солярка мойидан тортиб авиация бензинигача бўлган ёқилғи турлари кашф қилинди.

Олимлар яқинда яна бир янгиликка қўл уришди. Улар энергияни ҳар жойда ўсаверадиган эвкалит дарахтидан, яъни кўмирга нисбатан анча кам маблағ сарфлаш ҳисобига газ ва электр энергияси ишлаб чиқаришни жорий қилишди. Дарахт — ўтиндан энергия олиш истиқболи ёқилғи олиш манбалари рўйхатида, тошкўмир ва ядро ёқилғисидан кейин учинчи ўринда туради. Яна бир янгилик. Буюк Британиялик тадқиқотчилар ўсимлик ёғи чиқиндисидан дизел ёнилғиси (энергияси)ни ишлаб чиқариш технологияларини яратишди. Уларнинг фикрича, XX аср биоэнергияси — нефтдан олинадиган дизел ёқилғисидан мазкур ишланма ўз самарадорлигига кўра 20 фоиз арзонга тушади.

Башоратчи ёзувчи Жюль Верн «Сирли орол» китобида шундай ёзган эди: «Мен аминманки, ажойиб кунларнинг бирида сувни ёқилғи сифатида ишлата бошлайдилар, уни ташкил этувчи водород ҳамда кислород биргаликда ёки айрим ҳолда нур ва иссиқлик манбаига айланади...». Буни қарангки, «Ноно Леттарс» («Nano hetters») нашрида ёзилишича, Стенфорд ва Пенсильвания университетлари олимлари томонидан ўзига хос электр энергияси ҳосил қилувчи кимёвий элемент ишлаб чиқилди. Унинг ёрдамида чучук ва шўр денгизсувларидан қувват манбаи сифатида фойдаланишга имкон туғилади. Агар мазкур қувват манбаидан самарали тарзда фойдаланиш технологияси яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинса, у жаҳонда сарфланаётган барча энергия қувватининг 15 фоизини ташкил қилиши мумкин.

Сўнгги йилларда илмий тадқиқот ишлари водород изотоплари синтез қилинганда, ундан улкан (уран парчаланишидагига нисбатан 8 марта кўп) энергия манбаи ажралиб чиқишини кўрсатди. Ана шу тадқиқотлар натижасига кўра, дунёда биринчи марта Жанубий Кореянинг «Hyundai» компанияси «ix 35 Fuel Cell» русумли водород двигателли автомобилларни кенг кўламда ишлаб чиқара бошлади. Автомобил бир марталик водород ёқилғиси ҳисобига 594 километр масофани босиб ўтади. Тезликни 100 км\с га етказиб олиш учун 12,5 дақиқа кифоя. У соатига 160 км. тезликда бемалол ҳаракатланади.

Энергия қаҳатчилиги айни пайтда олимларни янги-янги манбаларни излаб

ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Биохилма-хиллик — борлиқ асоси

Сайёрамизда аҳоли сони ўсиб бораётган бир пайтда биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш экологик, генетик, ижтимоий-иқтисодий, илмий ҳамда эстетик жиҳатдан беқиёс аҳамиятга эга бўлиб, биосферадаги ҳаётнинг асоси ҳисобланади. Шу билан биргаликда, ер куррасида биологик хилма-хилликнинг қисқариб бориши атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурслардан хўжасизларча ва нотўғри фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳаёт кечираётган муҳитнинг бузилиши оқибатида содир бўлмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида биологик хилма-хилликнинг ажралмас таркибий қисми сифатида, биологик ресурсларни, хусусан, табиий ўсимлик жамоалари, бой ҳайвонот олами, улар ўсадиган ва яшайдиган муҳитнинг бир бутунлиги ҳамда генетик фондини сақлаб қолиш ва қайта тиклаш бўйича муайян тажриба тўпланди.

Барқарор тараққиёт учун табиатни муҳофаза қилиш ва биологик хилма-хиллик ресурсларини сақлаб қолиш катта аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли Ўзбекистон бир қатор муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, жумладан, «Асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўғрисида»ги Рамсар конвенцияси; «Бутунжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида»; «Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисида» (CITES); «Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисида»; «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»; «Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича» конвенцияларга қўшилди. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турларини ҳамда уларнинг генетик фондини сақлаб қолиш мақсадида бир қатор қўшни ва хорижий давлатлар билан битимлар имзоланди.

Тегишли мутахассислар билан ҳамкорликда қонун ижодкорлиги доирасида ушбу соҳада қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги қонунлари шулар жумласидандир.

«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонунда «Асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўғрисида»ги, «Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисида»ги, «Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини муҳофаза қилиш бўйича», «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги ва яна бир қатор конвенциялар юзасидан Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларини амалга ошириш йўналишлари кучайтирилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик декларациясини тан олган ва имзолаган томон сифатида ҳамда Миллий ривожланиш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда Мингйиллик Ривожланиш мақсадларига эришиш борасида ўз мажбуриятларини оғишмай бажариб келмоқда. Бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда Мингйиллик мақсадларига эришиш борасида миллий вазифалар ва кўрсаткичлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режасининг тасдиқланиши биохилма-хилликни сақлаб қолиш йўлидаги биринчи қадам бўлди. Бу стратегиянинг асосий вазифаларидан бири мамлакат умумий майдонининг 10 фоизгача қисмини қамраб олувчи муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барқарор тизимини ташкил қилишдан иборатдир.

Бундан ташқари, «Атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракатлар дастури», «Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва ҳаракатлар Дастури», «Қурғоқчилик ва чўлланишга қарши кураш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури», «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури» каби муҳим ҳужжатлар юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. БМТнинг Тараққиёт Дастури ҳамкорлигида биологик хилма-хилликни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам бир талай илгари силжишларга эришилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида, бугунги кунда Ўзбекистон табиатининг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолишга қаратилган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тизими 8 та давлат қўриқхонаси, 1 та давлат биосфера резервати, иккита миллий боғ, 10 та давлат буюртма қўриқхонаси, 6 та табиат ёдгорликлари ва учта ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш питомникларидан иборат бўлиб турибди.

«Асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўғрисида»ги Рамсар конвенцияси доирасида, мамлакатимиз ҳудудида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари сифатида сув организмлари катта захирасига эга бўлган, муҳофаза қилиниши ва барқарор фойдаланилиш имкони бўлган Денгизкўл ва Айдар-Арнасой кўллари тизими халқаро рўйхатга киритилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон флорасини 4500 га яқин ўсимлик турлари ташкил этади, улардан 3000 дан ортиғи ёввойи ҳолда ўсувчи олий ўсимлик турлари бўлиб, улардан 9 фоизи эса эндемик турларини ташкил этади. Ушбу ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турларининг 324 таси эндемик, камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остидаги тур сифатида Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Ўзбекистоннинг ўрмон фонди майдонлари деярли 9,12 млн. гектарни ташкил қилиб, шундан ўрмон билан қопланган майдонлар 2,8 млн. гектарни эгаллайди, ҳудудларнинг ўрмонлаштирилиши 6,2 фоизни ташкил этади.

ЎзРФАнинг маълумотига кўра, республика фаунаси 97 турдаги сутэмизувчи, 424 турдаги қуш, 58 турдаги судралиб юрувчилар ва 83 турдаги балиқларни ўз ичига олади. Шулардан, 24 турдаги сутэмизувчи, 48 турдаги қушлар, 16 турдаги судралиб юрувчилар, 18 турдаги балиқлар Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

«Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисида»ги конвенция мажбуриятларини бажариш доирасида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини сақлаб қолишга катта эътибор қаратилиб, уларнинг турлари рўйхати аниқланди. Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик ва ҳайвон турларини экспорт ва импорт қилиш қоидалари белгиланиб, ушбу фаолият тартибга солинди.

Бундан ташқари, республика ҳукуматининг тегишли қарорлари билан мамлакат ҳудудидан оқиб ўтувчи трансчегаравий – Амударё, Сирдарё, Норин, Қорадарё, Сурхондарё, Чирчиқ, Зарафшон ва Қашқадарё дарёларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари белгиланди. Ҳозирда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий ер майдони республика умумий ер майдонининг 5 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни сақлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳамда келгусида белгиланган режалар сўзсиз мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ва экологик соҳаларда барқарор ривожланишини таъминлаш учун хизмат қилади.

**Мавжуда РАЖАБОВА,
Содиржон ЖАКБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
депутатлари**

«Экомактаб» — тарбия ўчоғи

Нукусда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган «Экомактаб» машғулотларида асосий эътибор ёшларда экологик маданиятни шакллантиришга қаратилмоқда. Туман ва шаҳар, қишлоқ ва овуллар, боғча, мактаб, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида жамоат ташкилотлари иштирокида турли-туман қизиқарли тадбирлар уюштирилиб, экологик ҳашарлар ўтказиляпти.

Элликқалъа, Беруний, Амударё, Чимбой, Тахтакўпир, Хўжайли, Мўйноқ каби туманлардаги мактаб ва маҳаллаларда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги каби қонунлар, юзлаб меъёрий ҳужжатлар кенг ташвиқот қилинмоқда.

— Орол дарди — олам дарди, — дейди «Ekomaktab» эксперти Наталья Шиваловдова. — Оролбўйи ҳудуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади. Ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур минтақанинг экологик мувозанатини ўзгартириб юбориши мумкин. Бу ҳолат ҳар биримиздан ҳушёрликни талаб этади.

Табиатнинг беозор жониворлари сайғоқлар асосан Устюрт кенгликларида яшайди. Ўтган асрларда уларнинг сони 1 миллиондан ортиқ бўлган. Айни пайтда 4-5 фоизигина сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам бу ноёб жониворларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш долзарб вазифага айланган.

Мамлакатимизда 1992 йилдан бошлаб сайғоқларни овлаш тақиқланиб, халқаро «Қизил китоб»га киритилган.

Оролбўйида экологик клублар ташкил этилиб, «Сайғоқлар куни» ўтказиш одат тусига кирган. Қўнғирот туманида, Устюрт платосининг шимолий-ғарбий қисмида 1 миллион гектарлик майдонда Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли қўриқхона ташкил этилган.

Иззат ҲИКМАТОВ



Янги кадрлар — ишлаб чиқаришга

Бухоро автомобил ва йўллар касб-ҳунар коллежида 2 минг 317 нафар ўқувчи автомобил ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш, транспортда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш, автомобил йўллари, сунъий иншоотлар ва аэродромлар қуриш, таъмирлаш бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни эгалламоқда.

Бу ерда таълим самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир дарс янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан кенг фойдаланилган ҳолда тажрибали педагоглар томонидан олиб борилаётир. 2013 ўқув йилида коллежни 701 нафар ўқувчи тамомлайди. Битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича тегишли ташкилот ва корхоналар билан уч томонлама шартномалар тузилган.

...ратда: Бухоро автомобил ва йўллар коллежи ўқитувчиси Сурайё Аҳмедова маш-

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

Энергия ишончли кўмакчиси

...топишга ундамоқда. Немис олимлари махсус қурилмалар ёрдамида қуёш ва шамол (муқобил) энергияларидан метан газини ишлаб чиқаришни яратдилар. Зеро, маълум бир пайтда ва маълум жойда сарфлаб бўлмайдиган электр энергиясини бутунлай йўқотгандан кўра, мазкур махсус қурилмалар ёрдамида уни сақлаб қолган афзалроқдир.

Хуллас, ҳозирги пайтда энергия ишлаб чиқаришнинг турли йўллари устида изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, биоконверция, океан биомассалари энергияси, Ер қаъри иссиқлиги, океанлар тўлқинлари, шамоллар, қуёш ва бошқалардан ҳосил бўладиган энергия манбаларини келтириш мумкин.

Бугун сайёрамизда қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларининг бир неча турлари тажрибада аниқланган ва улар қуйидагилардан иборат бўлиб қолмоқда. Яъни, электр қуввати:

- геотермол электростанцияларидан фойдаланиш натижасида олинган:
- оқар сувдан фойдаланиб, ишлаб чиқиладиган энергияларни олиш;
- Қуёш электр станцияларидан олинадиган энергиялар;
- барча чиқиндилардан қайта ишлаш натижасида олинадиган энергиялар;
- этил спиртидан олинадиган энергиялар ана шулар жумласидандир.

Дарвоқе, муқобил энергиянинг манбалардан фойдаланиш истиқболи — унинг экологик тозалиги, эксплуатация қийматининг арзонлиги истеъмолчилар учун айни муддаодир. Яъни, муқобил энергияни ҳосил қилиш учун жаҳон ҳамжамияти томонидан катта маблағлар сарфланмоқда. Жумладан, сўнгги 30 йилда Европа мамлакатларида 50 миллиард, АҚШда 30 миллиард, Хитойда 15,6 миллиард, Ҳиндистонда 4,1 миллиард АҚШ доллари сарфланган. Дунё бўйича энергия ишлаб чиқаришнинг 0,04 фоизи қуёш энергиясига тўғри келмоқда. Агар ердаги чўлларнинг 4 фоизи қуёш панеллари билан қопланса, ҳосил бўладиган энергия бутун инсониятнинг эҳтиёжини тўлиқ қондириши мумкин.

Халқаро экспертларнинг хулосасига кўра, Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбалари салоҳияти қайта тикланмайдиган органик ёқилғи захираларига нисбатан бир неча баробар ...дир. Мамлакатимизда шамол эсувчи ҳудудлар, тоғли дарёлар бисёрдир. Бунга 300 кундан ортиқ қуёшли кунлар бўлишини қўшайлик-а! Экспертлар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятлари 51 млрд. тонна нефт эквивалентига тенглигини айтишмоқда. Ҳозирги пайтда мазкур қурилмалар ишга туширилса, ҳар йили 180 млн. тонна нефт эквивалентига тенг энергия ҳосил қилиш имкониятини беради. Бу мамлакатимизда қазиб олинаётган ёнилғи ҳажмидан 3 баробар зиёд. Энг муҳими, табиатимизни ифлослантирувчи 447 млн. тоннадан иборат ҳар хил моддалар ташланишининг олди олинади.

Ўзбекистон аҳлининг обод турмуш тарзини янада фаровон қилиш мақсадида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, авваламбор, иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли қурилмаларни яратиш, электр энергияси ишлаб чиқариш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгартиргичларга термик ишлов бериш, яъни муқобил энергиянинг барқарор фаолият кўрсатишида яхшигина омил мавжуд.

2013 йил 1 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонда жаҳон мамлакатларида углеводород захиралари камайиб кетаётган бир пайтда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш лозимлиги таъкидланади. Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишда Юртбошимиз таъкидлаб ўтган мана бу сўзларга эътибор қилайлик-а: «Биз табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар бўлмиш нефт, газ конденсати, табиий газ ва бошқа ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни ҳамон ўрганганимиз йўқ. Бу ресурсларнинг катта қисмидан кўпроқ ёқилғи сифатида фойдаланамиз, холос. Муқобил ресурсларни излаш ва жорий этиш ишлари талаб даражасида эмаслигига алоҳида эътибор қаратилиб, умуман ушбу соҳада зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган кўплаб муаммолар тўпланиб қолганлигини қайд этиш керак».

Бу эса ҳар биримиздан мазкур масалага жиддий ёндашувни тақозо этади. Яъни, аввалламбор, энергия манбаларидан фойдаланиш маданиятини пухта эгаллашимиз лозим бўлади. Буни оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, мамлакатимизда муқобил энергия манбалари етарли бўлиб, бу бизга кичик электр жиҳозлари ва электр объектларини (децентрализация энергия таъминоти) ҳаётда самарали қўллаш имконини беради.

**Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор
Пардабой БЕРДИБЕКОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 26.01.2013 йилдаги 9-8-сон ва 30.04.2013 йилдаги 11-9-сонли қарорларига мувофиқ, «SHONCH» ва «ISHONCH-ДОВЕРИЕ» газеталари таҳририятининг 28.05.2013 йилдаги 72-сонли буйруғига асосан газета таҳририяти томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Андижон шаҳар, Навоий шоҳ кўчасида сақланаётган «Тико» русумли, д/р 01-997ZBA бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 221 000 сўм. 2. Самарқанд шаҳар, М.Улуғбек кўчасида сақланаётган «Нексия» русумли, д/р 01-016BCA бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 606 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 8 июл куни соат 12:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 5 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 8 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 15 ва 22 июл кунлари соат 12:00да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 15 июлдаги такрорий савдолар учун 12 июл куни соат 18:00; 22 июлдаги савдолар учун 19 июл куни соат 18:00да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 ҳ/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. **Гувоҳнома №006231.**

«TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риэлторлик ташкилоти бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 3 июндаги 91к-ПО-сонли буйруғи асосида сотилиши белгиланган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, «Ҳасанбой» мавзеси, Тикланиш кўчасида умумий майдони 0,06 гектар бўлган ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектардан иборат 2 (икки) та **3 ва 3а-сонли** ер участкаларида якка тартибда уй-жой қуриш учун фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ҳар бири – **2 574 000,0 (икки миллион беш юз етмиш тўрт минг) сўм** миқдоридаги бошланғич нархлар билан (сотиш ҳуқуқисиз) аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Очиқ аукцион савдолари **2013 йил 9 июль куни соат 11:00 да** бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А»уй, 3-қават, 307-хонада (мажлислар залида) ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан, бошланғич нархнинг **15 (ўн беш) фоизи** миқдоридаги закалат пулини «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА: 00425, СТИР: 207142288, 20208000204955218001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан (шахсий ҳисоб варақасидан, пластик карточкасидан) пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича **такрорий савдолар,** улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар **сешанба** кунлари соат **11:00 да** ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомалар, тўлов ҳужжатлари, шахсни тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш, расмий иш кунларида ва вақтларида савдо ташкилотчиси томонидан мазкур эълон чиққан кундан **бошланади** ҳамда аукцион савдоси ўтказилиши кунидан бир кун олдин **соат 18:00 да тўхтатилади**.

Савдо ғолибига, аукцион савдолари ўтказилган санада ғолиблик баённомасини имзолаш, савдо кунидан бошлаб 20 кундан кечикмаган ҳолда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, тўланган закалат пули миқдори ер участкасига бўлган ҳуқуқ сотилиш нархининг 15 (ўн беш) фоизидан камини ташкил этса, олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар етишмаётган суммани закалат пули тўланган ҳисоб рақамига тўлаш мажбуриятлари юклатилади.

Ушбу ер участкаларининг ҳуқуқларини харид этишга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг тавсифи, ҳақиқий ҳолати, жойлашган жойи ва мўлжали ҳамда аукцион савдосини ўтказиш тартиб-қоидалари билан савдо ташкилотчисининг қуйида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб ёки алоқа воситалари орқали танишишлари мумкин.

Савдо ташкилотчисининг юридик манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А»уй, 4-қават, 401-хона.

Мурожаат учун телефон: 233-20-13; расмий веб сайтимиз: TPI.uz.

Лицензия: №RR-0109.

Талабгорлар, вужудга келиши мумкин бўлган бошқа масалалар бўйича **233-21-52** рақамли **«ишонч телефони»**га мурожаат этишлари мумкин.

Хизматлар лицензияланган

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонаси жамоаси корхонанинг адлия гуруҳи раҳбари Қаҳрамон Каримовга волидаи муҳтарамаси

НОВАТ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ishonch
2013-yil 6-iyun № 68 (3261)

МУЛОҚОТ

Ёзувчи билан учрашув

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан нарпайлик адабиёт ихлосмандлари Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими», «Қасоскорнинг олтин боши », «Беш болали йигитча», «Омонбой ва Даврон-бой», «Ширин қовунлар мамлакати» сингари ўнлаб китоблар муаллифи Худойберди Тўхтабоев билан учрашдилар. Шунингдек, тадбирда филология фанлари доктори Абдуғафур Расулов иштирок этди.

Меҳмонлар дастлаб Ўзбекистон халқ бахшиси Ислом шоир Назар ўғли хотирасига ҳурмат бажо келтиришди. Тумандаги 17-, 64-умумтаълим мактаблари ҳамда «Матбуот уйи»да бўлиб ўтган давра суҳбати иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз



Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида мамлакатимиз таълим тизимининг бошланғич бўғини — мактабгача таълим муассасаларида ҳам хорижий тилларни ўқитиш сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимиздаги Учтепа тумани бошланғич таълим-тарбия марказида болаларга чет тилидан бошланғич сабоқ бериш бўйича ибратли тажриба тўпланган. 325 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олган муассасада кичкинтойларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун зарур шарт-шароит яратилган.

Суратда: тарбияланувчи Эъзоза Салоҳиддинова.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бироз ўтиб, Истатхон шаҳардан қайтди. У киши билан касаба уюшмаси учун ажратилган юқори қаватдаги кенг ва ёруғ хонага кўтарилдик. Бу ерда тизимга тааллуқли барча қўлланма ва тавсиялар дид билан жойлаштирилган. Тайёрланган албомларни бир-бир варақлар экансиз, ўтказилган тадбирлар, меҳрсаховат бобидаги эзгу амаллар мана мен деб кўз олдингизда намоён бўлади.

— Мана бу лавҳалар Нурота туманидаги «Мурувват уйи»да туширилган. 60 нафар тарбияланувчининг барчасига иссиқ кийим-бош туҳфа қилиб, байрам дастурхони ташкил этганмиз. Бу суратларда эса Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»даги тадбиримиз акс этган, — дейди бошланғич ташкилот етакчиси. — Байрамларда собиқ ишчиларимиз, якка-ёлғиз ва ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиб турамиз. Наврўз, Ҳотира ва қадрлаш куни арафасида ҳам озиқ-овқат жамланмаси ва совға-салом билан кам таъминланган хонадонларга кириб бордик. Навоий шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази бу борада бизга ўз тавсияларини бериб турибди.

Эл одами

Ходимларимизнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлашда ҳудудий бирлашмамиз раиси Шаҳзод Жумаев билан гапимиз бир жойдан чиқади. Ўтган йили моддий ёрдам сўраб мурожаат этган 7 нафар аъзомизга 2 млн. 279 минг сўм ажратдик. Иш берувчи ҳам уларнинг оиласини баҳоли қудрат қўллаб-қувватлади. Спорт тадбирлари ўтказаяпмиз. Қадимий шаҳарларга саёҳат уюштириш тараддудидамиз. Аъзоларимиз сиҳатгоҳларда соғлигини тиклашмоқда. Тизим тасарруфида бўлган «Нимкон» оромгоҳида ҳам ўғил-қизларимиз учун кўпдан-кўп қулайликлар яратилди.

Қаҳрамонимиз ана шундай тиниб-тинчимас аёл. У 28 йилдирки, ўзига ишонилган вазифаларни шараф билан бажариб келаётир. Гарчанд, жамоатчилик асосида бўлсада, меҳнаткашларнинг чинакам ҳимоячиси саналган касаба уюшмаси фаолиятини бир зум бўлсин, эътибордан четда қолдирмайди. Истатхон Каримова ўзи яшаб турган Навоий шаҳридаги 5-кичик туманда ҳам яхшигина ҳурмат-эътибор қозонган. Бу ҳақда «Орзу» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раънохон Болиеванинг фикрларига бир қулоқ тутинг-а:

— Обод сўзининг маъноси бизда жуда кенг ва чуқур тушунилади. Ватанимизнинг ҳар бир гўшаси, маҳалла-ю кўчаларимизни обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш ана шу каломда мужассам. Йилимизга «Обод турмуш йили» дея бежиз ном берилмаган.

Маҳалламизда турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Жамоатчилик асосида тузилган ишчи кенгаши аъзолигига эл орасида ишонч қозонган, ҳурмат-эътиборга лойиқ фаолларни жалб қилганмиз. Фуқароларнинг бошларини бир мақсад йўлида бириктириш, тинч-тотувликни, тозалик ва орасталикни таъминлаш эса ҳазилакам иш эмас. Шунинг учун кўп қаватли биноларга Истатхон Каримовага ўхшаган фидойи, куч-ғайратини аямайдиган, кўпчиликни эргаштира оладиган кишиларни сайлов асосида раҳбар қилиб тайинлаганмиз. Истатхон сардорлигидаги 300 нафарга яқин аҳоли истиқомат қиладиган бино аҳли ҳар ишда бошқаларга ўрнак бўлиб келаётир. Хонадонларда яшовчилар ва уларникига келиб-кетувчиларни яхши танийди. Бирор тушунмовчилик юзага келса, жойида барҳам топмагунча тиниб-тинчимайди.

Ўзгалар бахтини ўйлаб, ташвишларига шерик бўлиб яшаётган Истатхон Каримовага ўхшаб доимо эл одами бўлиб юриш ҳаммамизга насиб этсин.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

ХОТИРА

Яхшилар эъзозда

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Камолот» ЁИҲ Қўшкўпир туман кенгашлари ҳамкорликда катта савобли ишга қўл урдилар.

— Билим масканимиз тумандаги энг кўҳна таълим даргоҳларидан саналади, — дейди 23-умумтаълим мактаби директори, «Халқ таълими аълочиси» Солай Отабоев. — Бу даргоҳда сабоқ бериб, ўзидан яхши ном қолдириб кетган инсонларнинг порлоқ хотираси кўнгиллардан асло ўчмайди. Шу боис Хотира тадбири ва турнирига нафақат Ўртаёп қишлоғидан, балки бошқа узоқ-яқин гўшалардан ҳам кўпчилик етиб келди. Чунки уларнинг ўзлари ёхуд ота-оналарини қайсидир ришталар шу мактаб ва қишлоққа боғлаб турибди. Тадбирда фахрий устозлар сўзга чиқдилар. Улар халқ таълими ривожига ҳисса қўшган Худойберган Обдолов, Ражаббой Эржонов, Машариф Бекчонов, Каримберган Исмоилов, Марямбиби Рўзметова, Ражаббой Қутлимуротов, Умидбек Собиров, Роҳатой Турдибоева, Муҳаббат Матназарова ва бошқалар қолдирган ёркин хотирот хусусида алоҳида тўхталдилар.

Мактабда ташкил этилган «Мумтоз» бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари концерт дастури билан тадбирга файз бағишлади.

Спорт мусобақаларида эса 41-, 46-, 24-, 23-умумтаълим мактабларининг футбол жамоалари ўзаро куч синашдилар. Шахмат-шашка мусобақалари ҳам уюштирилди. Хотира турнирининг фаол иштирокчилари «Қўшкўпир пахта тозалаш» ОАЖ томонидан спорт кийимлари билан мукофотландилар.

Таълим соҳасида узоқ йиллар ишлаган меҳнат фахрийларидан 30 нафари таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Ёшларда ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуларини тарбиялаш, ота-боболарининг хайрли ишларидан ғурурланиш ҳиссини уйғотиш барчамизнинг вазифамиздир, — дейишди тадбир қатнашчилари.

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари бирлашган касаба уюшмаси Наманган вилояти қўмитаси тармоққа қарашли Косонсой қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Норин қурилиш ва уй-жой

Қўмита совғаси

сервис, Жийдакапа қурилиш ва хўжалик, Чортоқ, Поп транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежлари талабаларига спорт анжомлари тақдим этди.

— Футбол, волейбол тўплари ва сеткаси, шахмат ва шашка, теннис ракеткаси ҳамда бошқа жиҳозлар учун раҳматлар айтамиз, — дейди Чортоқ транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси Гулнора Бобожонова. — Ўйлайманки, спорт-соғломлаштириш билан боғлиқ фаолиятимизда жуда асқотади.

Феруза ЭРМАТОВА, Наманган вилояти

РЕКЛАМА

Чотқол тоғ тизмаси ён бағрининг сўлим масканида жойлашган

«ГЕОЛОГ»

Болалар соғломлаштириш оромгоҳи

йўлланмалар харид қилиш учун буюртмалар қабул қилади.

Соғломлаштириш мавсуми 15 кундан 3 сменада ташкил этилади.

Мавсум бошланиши – 22.06.2013 йил.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7а. Телефон: 241-54-70, 939-58-72, 655-27-29. Факс: 241-97-74.





Хизматлар лицензияланган

«Истиқбол эгалари» топқирлик машқлари

ЧАЙНВОРД 1. Энг яхши совға, билимлар манбаи. **2.** Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги болалар катта хори. **3.** Ғайрат-шижоатли, баҳодир маъноларини англатувчи ўғил болалар исми. **4.** Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Сариқ девни миниб», «Ширин қовунлар мамлакати» асарлари муаллифи. **5.** Болаларнинг кўкламги учқичи. **6.** Болалар ёшликдан шуғулланаётган миллий спортимиз. **7.** Ўйинчоқ, резина пуфак. **8.** Италиялик таниқли болалар ёзувчиси, «Қувноқ шеърлар китоби» болалар ҳаётига бағишланган тўплам муаллифи. **9.** Мақсадига эришишда матонатли маъносидаги қизлар исми. **10.** Волидаларнинг азалий қўшиғи. **11.** Фарзанд дунёга келганда ўтказиладиган халқимизга хос маросим. **12.** Болалар сакраб ўйнайдиган буюм. **13.** Балоғатга, вояга етмаган бола. **14.** Ҳар бир ўқувчи орзусидаги баҳо. **15.** Барчага ёқимли, тартибли, тарбияли бўлиш фазилати. **16.** Таваллуди куни муносабати билан ҳар йили «Халқаро болалар китоби куни» ўтказиладиган даниялик эртакчи ёзувчи. **17.** Бобога, бувига нисбатан ўғил ёки қизнинг фарзанди. **18.** Аждодлар давомчиси, ота-боболар насли. **19.** Тенгдош, дўст қизлар. **20.** Болалар учиб ўйнаши учун ишланган мослама, ҳайинчак. **21.** Болаларнинг тез етиб ёки тутиб олиш ўйини. **22.** Севинч, хурсандлик. **23.** Болаларнинг кўкламги ўйини. **24.** Ёшликдан ўрганиш самара берувчи иш фаолиятнинг бирор соҳаси, ҳунар. **25.** Катталарнинг болаларни ҳимоя қилиш учун адо этишлари мажбурий бўлган вазифаси. **26.** Жанни Родари қаламига мансуб эртак-қисса номидан «...нинг бошидан кечирганлари». **27.** Мақолдан: «... бошдан, ўғлон ёшдан». **28.** Гулзор ва мевазор маскан. **29.** Кичик ёшдаги болаларнинг адабий-бадиий безакли республика журнали. **30.** Мақолдан: «... ёшда эмас, бошда». **31.** Касб, ҳунар соҳасини танлашда эътиборга олинадиган қизиқиш, қобилият. **32.** Рамз ва ўхшатмалар орқали ифодаланган қисқа тавсиф асосида ҳал этиладиган, болаларнинг севимли жанри. **33.** Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» қиссасидаги бош қаҳрамонининг исми. **34.** Ўн икки ойлик вақт ўлчови бирлиги. **35.** Ҳузур-ҳаловат ҳисси, завқ. **36.** Болаларнинг мураббий раҳбарлигида касб-ҳунар ўрганадиган уюшмаси. **37.** Республикамиздаги болалар ташкилоти. **38.** Ер қазиб, асосан ер остида яшовчи жонивор саргузаштлари тасвирланган мультфильм. **39.** Атоқли болалар шоири Қуддус Муҳаммадий асари номидан «... алифбеси» **40.** Ўзбек халқ эртагидан: "Ур ...". **41.** Катта варрак. **42.** Одамга ёки бирор нарсага ўхшатиб ясалган қизалоқлар ўйинчоғи. **43.** Болалар турли шаклар ясайдиган майда заррачалардан ташкил топган чўкинди тоғ жинси. **44.** Байрам тантаналарида самода гумбирлаб садо берадиган турфа ранг манзара. **45.** Турли жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёрдам. **46.** Қизлар шуғулланадиган бадиий гимнастика анжоми. **47.** Гўзаллик, чирой. **48.** Тиниқ мовий, зангори тусдаги ранг.

«ФАРЗАНДЛАР МАДҲИ» — ҲИКМАТЛАР МУАММОНОМАСИ

Аввало қуйидаги ҳикматли мисралар ва халқ мақолларида келтирилиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

Алишер Навоий:

1. Фарзанд чу қуллиғин одат қилғай,
Ул одат ила касби **12, 3, 8, 4, 3, 21** қилғай,
Ҳар кимки отоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.

2. Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ,
Қуллуқ аноға улча **9, 11, 5, 8, 6** қилмоқ,
Зуҳри абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил ани ато-аноға эҳсон қилмоқ.

Расул Ҳамзатов:

3. Хушхабар кўп эрур оламда гарчанд,
Гарчанд бирисидан бири зиёда,

Чақалоқ туғилди, деган хабардан,
Яхшироқ **15, 19, 22, 15, 3, 10, 3, 7** йўқдир дунёда.

Мақсуд Шайхзода:

4. Ҳар оила бахтининг мезони — фарзанд,
Ота ҳам онага меҳрибон, дилбанд.
Босолмас жужуқлар ўрнини, **10, 9, 2, 12, 3, 6, 1,**
Олам хазинасин берсалар ҳарчанд.

Сафо Очил:

5. Умрим **10, 17, 20, 9** ғамин ерман,
Сўзин дурга алиштирмам,
Сийму зардан ортиқ дерман,
Ота-онам дуосини.

Халқ мақоллари:

6. 14, 13, 16, 2, 9 кенг кишининг кўнгли қаримас,
Болалик уйдан бахт шодлик аримас.

7. Фарзандим асал **18, 3, 6, 4, 9, 11.**

Энди шакл атрофидаги рақамларда ифодаланган муаммономани калит сўзлари жавобларидаги ҳарфлар асосида ҳал этиш билан икки мисра ўзбек халқ мақолини билиб олинг.

Фозилжон ОРИПОВ



O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
B.Rizayev
Navbatchi:
N.Mahamov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 19.00

E-mail:Ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 611 | 19431 nusxada bosildi | 1 345